

Уйингизда баракани таъминловчи омиллар



08:00 / 05.05.2021 3657

Уч нарса доимий назоратга оламиз:

- телевизорни;
- интернетни;
- телефонни.

Уч нарсани тақиқлаймиз:

- ғийбатни;
- тортишувни;
- ҳурматсизликни.

Уч нарсани давомли қиламиз:

- жамоат билан намоз ўқишни;
- Қуръон тиловатини;
- маърифий суҳбатларни.

Учта алоқани узмаймиз:

- қариндошликни;
- қўни-қўшничиликни;
- ғариблардан кўнгил сўрашни.

Учта нарсани камайтирамиз:

- овқат ейишни;
- ухлашни;
- гапиришни.

Учта феълни тарк этамиз:

- танқидни;
- ортиқча танбеҳни;
- истехзони.

Учта нарсага ташвиқ қиламиз:

- сабрга;
- шукрга;
- қаноатга.

Учта нарсани кўпайтирамиз:

- дуони;
- истиғфorni;
- зикрни.

Учта нарсага эга чиқамиз:

- юмшоқ феъллиликка;
- осонлаштирувчиликка;
- кечиримлиликка.

Учта нарсани киритмаймиз:

- фоизни;
- ноҳақ топилган пулни;
- ҳаром озуқаларни.

Учта нарсага бепарво бўлмаймиз:

- ҳалоллашишга;
- кечирим сўрашга;
- миннатдорчилик сўрашга.

Учта дуонинг келиб туришига ғайрат қиламиз:

- ота-онанинг дуоси;
- ғарибларнинг дуоси;
- солиҳларнинг дуоси.

Учта нарсани тарк этмаймиз:

- китоб ўқишни;
- ўрганганларимизга амал қилишни;
- тушуниб етганларимизни бошқаларга ҳам тушунтиришни.

«Ҳилол» журналининг 4 (25) сонидан